

СОЯНИНГ СЕРКОСПОРИОЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ ФУНГИТСИДЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Абдуллаева Гулзода Дилшод кизи
*Андижон кишлоқ хужалиғи ва агротехнологиялар
институтининг докторанти*
Узаков Фазлиддин Эргашович.
*Дон ва дуккакли экинлар илмий- тадқиқот
институтининг ишлаб чиқариш ва
умумий ишлар бўйича директор уринбосари*

Аннотация. Ушбу мақолада соя экини замбуругли касаллиғи булган серкоспориоз касаллиғилиғи хақида келтирилган ва касаллиға қарши фунгитсидлар синовдан утқазилганланғи бўйича натижалар берилган.

Калит сўзлар: Соя, замбуруг, фунгитсид, биологик самарадорлик, *Cercospora sojina*.

Аннотация. В данной статье представлен церкоспороз – грибковое заболевание сои и приведены результаты испытаний фунгицидов против этого заболевания.

Ключевые слова: соя, гриб, фунгицид, биологическая эффективность, *Cercospora sojina*

Аннотация. Ин тхис артисле, серсоспоросис, а фунгал дисеасе оф сойбеан, ис пресентед анд тхе резултс оф фунгисиде триалс агаинст тхе дисеасе аге гивен.

Кей wordс: сойбеан, фунгус, фунгисиде, биологисал эффисиенсй, *Cercospora sojina*.

Кириш. Ҳозирги кунда дунёнинг дуккакли мойли экинларни етиштириш бўйича катта тажрибага эга бўлган мамлакатлари қаторига: АҚШ, Хитой, Бразилия, Канада, Сербия, Украина ва Россия каби давлатларида Соя ва соя етиштириш, уларнинг касалликларини тарқалиш қонуниятларини ва зарарини

аниқлаш ҳамда самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш кенг йўлга қўйилган. Хорижий мамлакатларда Соянинг замбуруғли патогенларини 70 дан ортиқ тури, сояда эса 102 дан ортиқ турлари аниқланган. Соя экинларида кенг тарқалган ва ўта хавфли касаллик қўзғатувчилари қаторига сохта ун-шудринг, илдиз чириш, доғланиш, ун-шудринг киради.

Ўзбекистонда соя микобиотаси бўйича алоҳида илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Минтақавий микологик ва фитопатологик манбалар бўйича Ўзбекистон шароитида соя касалликлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас, замбуруғлар қузғатган касалликларни аниқлаш, патоген турларининг культурал-морфологик, биологик хусусиятларини аниқлаш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва услуби. Соя навларининг асосий касалликларини ўрганиш ва уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича республикамизни Андижон вилоятида, Жалақудуқ туманида жойлашган ғалла дон етиштириш бўйича фермер хўжаликларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тажриба давомида фенологик кузатувлар, дала ва лаборатория таҳлиллари Фитопатологик ва микологик услубиятлар асосида амалга оширилмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Тажриба ишларини Жалақудуқ тумани янги сорлик пахтакор фермер хўжалигида олиб борилди. Тажрибани биз сояни такрорий экин сифатида экиб серкоспориоз касаллигига қарши фунгитсидларнинг турли сарф меёрида синалдик.

Тажриба 8 та вариант ва 3 қайтариқдан иборат. Тадқиқот ўтказилаётган майдони умумий ҳажми 403.2 м² ташкил этади. Битта делянка майдони 14 м². Қаторлар сони 32 та 8 та вариант ва 3 та қайтариқ схемасида бўлиб, хар бир вариант 4 та қатордан иборат. Вариантлар икки чека қатори ҳимоя ҳисобланиб оралик икки қатордан ажратилган.

Cercospora soja - Касаллик соя экинининг ривожланиши босқичларнинг барглари, пояси, дуккаклари ва уруғларида намоён бўлади. Кучли зарарланганда багрлар эртароқ қарийди, ўсимликни юқори қисмидаги барглар тўкилади. Қуйи қаватлардаги яшил барглар зарарланганда ҳам ранги ўз рангини ўзгармайди. Касалликнинг ривожланиши учун иссиқ ва нам ҳаво қулай шароит бўлиб, замбуруғ иссиқ, қуруқ ҳавода ҳам ўзини намоён қилади олади ҳам касаллик белгилари сезиларли даражада оширади. Уруғ палласида жигар рангли доғлар ёки тўқ қунғир яралар ҳосил қилиб, уларнинг атрофи ҳам тўқ қунғир, тор чамбараклар билан ажралиб туради. Баргларида эса, думалоқ, оқиш кулрангли доғлар бўлиб, уларнинг чеккалари жуда техник, жигар рангли чамбарак билан чегараланган. Касал ўсимликларнинг поясида чўзинчоқ шаклли сансар-қизқич доғлар ҳосил бўлади. Доғларнинг ўрта қисми кулранг бўлиб, атрофи жигар рангли жияк доғлар пайдо бўлиб, кейинчалик улар қорайиб қолишади.

Уруғларида нотекис-думалоқ бироз юқори кўтарилган кулранг жигар рангли доғлар ҳосил бўлади. Доғларнинг чеккалари тўқ жигар ранг жиякли. Баргларнинг пастки томонида тўқ кулрангли ғуборлар ҳосил бўлиб, уларнинг тепа қисмида бир жойда тутам каби оқ жигар рангли оддий, шоҳланмаган конидиябандлари ҳосил бўлади. Конидиябандларининг юқори қисмида рангсиз, тўнағичсимон конидиялар ўсиб чиқади.

Тадқиқотлар давомида соянинг серкоспориоз касаллигига қарши тажриба варианты сифатида Амистар Топ 32,5% сус.к. 0,5-0,6 л/га сарф меёрда, Бродер 30% эм.к.0,2 - 0,3 л/га сарф меёрда ва Аканто Плюс 28% сус.к. 0,3 - 0,5 сарф меёрда қўлланилди, этолон сифатида Тилтазол 500 к.э.к. 0,2 л/га миқдорда қўлланилди. Назорат вариантыда сувдан фойдаланилди.

Тажрибанинг Амистар Топ 32,5% сус.к. 0,5 л/га меёрларда қўлланилганда биологик самарадорлик 7 –кун 82,5 %, 15- кундан сўнг 87,9 % ни ва 21 кун 83,5 % ташкил этганлиги қайд этилди. Худди шу препаратнинг 0,6 л/га сарф меёрида қўлланилганда биологис самарадорлик мос равишда

82.5%, 91.4 % ни ва 82.8 % ташкил этди. Кейинг тажриба вариант Бродер 30% эм.к. 0.2 л/га меёрда қўлланилганда 7 –кун 78.7 %, 15- кундан сўнг 88.6 % ни ва 21 кун 84.9 % ташкил этганлиги қайд этилди. Бродер 30% эм.к препаратнинг 0.3 л/га сарф меёрида қўлланилганда биологис самарадорлик мос равишда 92.4 %, 92.1 % ни ва 82.1 % ташкил этди. Аканто Плюс 28% сус.к. 0.3 л/га меёрда қўлланилганда 7 –кун 84.8 %, 15- кундан сўнг 83.6 % ни ва 21 кун 81.5 % ташкил этганлиги қайд этилди. Бу препаратнинг 0.5 л/га сарф меёрида қўлланилганда биологис самарадорлик мос равишда 87.1 %, 86.5 % ни ва 85.6% ташкил этди. Эталон сифатида синалган Тилтазол 500 к.э.к 0.2 л/га қўлланилганда 7- кун 81.0 %, 15-кун 81.5 % ни ва 21-куни 80.1% биологик самарадор ташкил этди. Олинган натижалардан шуни айтиш мумкинки Амистар Топ 32,5% сус.к 0.6 л/га сарф меёрида қўлланилган ва Бродер 30% эм.к. 0.3 л/га сарф меёрида қўлланилган вариантларнинг биологик самарадорлик энг юқори кўрсаткичларда қайд этилди.

Хулоса. Соянинг серкоспориоз касаллигига қарши Амистар Топ 32,5% сус.к 0.6 л/га 0.6 л/га сарф меёрида қўлланилганда биологик самарадорлик 7- кунда 82.5%,15 – кунда 91.4 % ни ва 21-куни 82.8 % ва Бродер 30% эм.к. 0.3 л/га сарф меёрида қўлланилган вариантларнинг биологик самарадорлик мос равишта 92.4 %, 92.1 % ни ва 82.1 % ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Gulzoda, A., & Sardorjon, A. (2023). MAIN DISEASES OF SOYBEAN VARIETIES IN ANDIJAN REGION AND MEASURES AGAINST THEM. *EPRA International Journal of Agriculture and Rural Economic Research (ARER)*, 11(11), 28-30.
2. Камилжановна, С. Н., Камиров, С. Г., & Камилжановна, М. М. (2020). Фусариум охйспорум анд деалинг витҳ тхем. *ПалАрч'с Журнал оф Арчаеологй оф Эгйнт/Эгйнтологй*, 17(6), 3658-3662.

3. Сиддикова, Н. К., Мирзайтова, М. К., & Абдуллаева, Г. Д. К. (2019).
КОРНЕВЫЕ ГНИЛИ ХВОЙНЫХ И МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ. *Вестник науки и образования*, (24-3 (78)), 10-13.
4. Сиддикова, Н. К., Мирзайтова, М. К., & Абдуллаева, Г. Д. (2019).
Грибные болезни хвойных. *Вестник науки*, 1(12 (21)), 257-259.